

ISSN 2091 – 5616

# AGRO ILM

1(21) SON, 2012





Чигит туки турли рангда бўлган ота-она шакллари ва F<sub>2</sub> дурагай комбинацияларида чигит мойдорлигининг ирсийлиши, %.

№	Ота-она намуналари ва дурагай комбинациялари	Ўртача М±m	S	V
1	T-17 (к.р.)	20,4±0,09	0,1	0,7
2	T-18 (о.с.)	21,5±0,5	0,9	4,2
3	T-19 (к.)	22,6±0,3	0,6	2,6
4	T-20 (т.ж.р.)	22,1±0,8	1,3	6,1
5	F <sub>2</sub> T-17 (к.р.) x T-18 (о.с.)	21,3±0,9	1,6	7,5
6	F <sub>2</sub> T-17 (к.р.) x T-19 (к.)	20,8±0,1	0,2	1,0
7	F <sub>2</sub> T-17 (к.р.) x T-20 (т.ж.р.)	22,3±0,7	1,3	5,8
8	F <sub>2</sub> T-18 (о.с.) x T-17 (к.р.)	21,3±0,3	0,5	2,6
9	F <sub>2</sub> T-18 (о.с.) x T-19 (к.)	21,6±0,09	0,1	0,7
10	F <sub>2</sub> T-18 (о.с.) x T-20 (т.ж.р.)	22,6±0,5	0,9	3,8
11	F <sub>2</sub> T-19 (к.) x T-17 (к.р.)	21,1±1,1	1,9	9,1
12	F <sub>2</sub> T-19 (к.) x T-18 (о.с.)	22,5±0,4	0,8	3,7
13	F <sub>2</sub> T-19 (к.) x T-20 (т.ж.р.)	22,0±0,8	1,6	7,4
14	F <sub>2</sub> T-20 (т.ж.р.) x T-17 (к.р.)	22,1±0,7	1,1	5,2
15	F <sub>2</sub> T-20 (т.ж.р.) x T-18 (о.с.)	21,9±0,8	1,4	6,3
16	F <sub>2</sub> T-20 (т.ж.р.) x T-19 (к.)	19,6±0,9	1,5	7,9
17	St C-6524	21,7±0,8	1,9	6,9
18	St Наманган-77	18,6±0,8	1,6	5,9
ЭКФ (o,s)		4,1		

гарранг бўлган T-20 намунаси билан чапиштирилганда ва унинг акси бўлганда, F<sub>2</sub> авлодда дурагайларнинг ота-она шаклида келган юқоридаги икки ашёга нисбатан чигит мойдорлиги юқори бўлган қонуният сақланиб қолди.

Юқоридаги таҳлиллар асосида куйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Изланишларимизда чигит туки турли рангда бўлган бошланғич ашёларнинг биринчи авлодида чигит мойдорлиги белгиси асосан ижобий гетерозис ва оралиқ ҳолда ирсийланди.

2. F<sub>2</sub> дурагайларида чигит мойдорлиги генларнинг комплементар таъсири остида, ота-она шаклларида нисбатан юқори бўлган белгиларнинг юзага чиқишини ҳисобга олсак, чигит мойдорлиги белгиси мураккаб полиген ҳолда ирсийланди.

3. Чигит туки тўқжигарранг бўлган T-20 тизмаси селекция-генетик изланишларда сермойли навлар яратишда маркёр сифатида фойдаланиш учун тавсия этилади.

**С.РАҲМОНҚУЛОВ,**

**Х.ЖАЛОЛОВ,**

**Х.МАРДОНОВ**

(ЎзФСҲИТИ)

#### АДАБИЁТЛАР

- Новиков В.А. Физиология растений. -Л.: «Промиздат» 1961 г., -219 с.
- Пулатов М., Арутюнова Л.Г., Эгамбердиев А. Новый генотип хлопчатника, полученный на базе межвидовой гибридизации // В сб.: Генетика, селекция и семеноводство хлопчатника и люцерны. -Ташкент, 1992, вып 25, - С. 33-42.
- Раҳмонқулов С. Турли тупроқ-иқлим шароитида яратилган ғўза навларининг чигит мойдорлиги // Мат. Междун. науч.-практ. конф. «Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития». Ташкент, 2006, С. 231-233.
- Раҳмонқулов С.Р., Джаббаровва М., Тешабоев К. Ўзбекистонда ноҳиллаштирилган ғўза навларининг чигитининг ёт мақдори // «Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари» тўплами, Тошкент, 1993. Б. 119-121.
- Раҳмонқулов С.Р., Ибрагимов П.Ш. Чигит мойдорлиги ва унинг ғўзани айрим хўжалик белгилари билан боғлиқлиги // Ж. Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси. -2000. №2. 28-31 б.

УЎТ: 633.51:631.816.1/.674

## С-6541 ҒЎЗА НАВИНИ СУҒОРИШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Республикамизда ҳар йили истиқболли янги ғўза навлари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмоқда. Биз бу борада С-6541 ғўза навини парваришlash агропадбирларини ишлаб чиқиш бўйича Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида дала тажрибаси ўтказдик.

Тадқиқотлар 2009-2011 йиллар давомида аввалдан суғорма деҳқончилик қилиниб келинаётган ЎзПИТИ тажриба учатқаси далаларида олиб борилди. Тупроқ механик таркиби оғир қумоқ, сизот сувлари сатҳи чуқур жойлашган.

Шунингдек, иқлимлаштирилган ўрта толали С-6541 ғўза навининг пахта ҳосилдорлигига тупроқни суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан уч хил 65-65-60%, 70-70-60%, 70-75-60% тартиби ҳамда маъданли ўғитларни икки хил N-160, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-112, K<sub>2</sub>O-80 ва N-190, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-133, K<sub>2</sub>O-95 кг/га меъёрларининг таъсири ўрганилди. Андоза сифатида ушбу минтақа учун тавсия этилган С-6524 нави суғориш олди тупроқ намлиги 70-70-60% тартибда суғорилган ва маъданли ўғитлар йиллик N-200, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-140, K<sub>2</sub>O-100 кг/га меъёрда озиқлантирилган тизим олинди.

Изланишларда барча қузатув, таҳлил ва ўлчовлар

ЎзПИТИ да ишлаб чиқилган “Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошение” (1981), “Дала тажрибаларини ўтказиш услуги” (2007) услубий қўлланмаси асосида олиб борилди.

1-жадвал

#### Тажриба тизими

№	Ғўза нави	Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан. %	Маъданли ўғитлар меъёри, кг/га		
			N	P	K
1	С-6524 (андоза)	70-70-60 ХШК (ККС)	200	140	100
2	С-6541	65-65-60	160	112	80
3		ХШК (ККС)	190	133	95
4		70-70-60	160	112	80
5		ХШК (ККС)	190	133	95
6		70-75-60	160	112	80
7		ХШК (ККС)	190	133	95

**Эслатма:** Тажрибада ғўзани суғориш мuddати суғориш олди тупроқ намлиги билан бирга ғўзани барги хўжайра шираси концентрацияси (ХШК) курсаткичи асосида белгиланди.

Тажриба 3 та такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир бўлакча 8 қатордан, эни 4,8, бўйи 100 м, майдони 480, шундан ҳисоб майдони 240 м<sup>2</sup>, 4



қатор, эни 2,4 м, узунлиги 100 м. Тажриба тизими 1-жадвалда келтирилган.

Тажриба ўтказадиган даламиздаги тупроқнинг агрофизикавий ва сув-физик хоссалари тупроқнинг унумдорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланиб, бу бевосита пахта ҳосилдорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Тупроқни дала нам сифими ўртача уч йилда 0-70 см қатламида 21,7-21,9%, 0-100 см қатламида эса 21,9-22 % га тенг бўлди. Ғузани турли суғориш ва озиқлантириш тартибларида тупроқ агрофизик хоссаларидан уни ҳажм массасини ўзгаришини ўрганиш бўйича олиб борилган кузатувларга кўра баҳорда 0-100 см қатламда ўртача уч йилда 1,36-1,37 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, кузга келиб бу кўрсаткич суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% тартибда ўртача 1,38 г/см<sup>3</sup>, 70-70-60% тартибда 1,39-1,40 г/см<sup>3</sup> ва 70-75-60% тартибда эса 1,40-1,41 г/см<sup>3</sup> га тенг бўлганлиги аниқланди. Сув ўтказувчанлиги олти соат давом да баҳорда 899-904 м<sup>3</sup>/га, кузда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан ўртача уч йилда 65-65-60% тартибда 801-808 м<sup>3</sup>/га, 70-70-60% тартибда 781-786 м<sup>3</sup>/га ва 70-75-60% тартибда 740-747 м<sup>3</sup>/га. ни ташкил этди. Бундан суғориш тартиблари тупроқнинг ҳажм оғирлигига, ғоваклигига ҳамда сув ўтказувчанлигига таъсири борлиги кўриниб турибди.

Ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши ва ҳосил тўплаши уни парваришда суғориш ва озиқлантириш тартибларига бевосита боғлиқдир. Тадқиқотларда ўрганилаётган ғўза навларининг бўйи, ҳосил шохи, ҳосил элементларини шаклланишига суғориш ва озиқлантириш тартиблари бўйича фарқи амал даври бошиданок кўзга ташланди, айниқса амал даври охирига келиб янада аниқроқ кўринди. Сентябрь ойининг бошида олинган кузатувларимиз маълумотларига кўра,

ромда сақлаш учун ғўзага ҳар хил меъёрда сув бериш талаб этилади, бу мавсумий суғориш меъёрининг турлича бўлишига олиб келади. Суғориш тартиби ғўзанинг биологик хусусиятларига ва тезпишарлигига ўз таъсирини кўрсатади. Ғузани суғориш муддатларини белгилашда тупроқни суғориш олди намлиги ҳамда ғўза барги ҳужайраси шираси концентрацияси кўрсаткичи ўсув нуқтасидан учинчи ва тўртинчи барглари олиниб кўл рефрактометри асбоби ёрдамида ҳам аниқланди.

Суғориш олди тупроқ намлиги ва ғўза барги ҳужайра шираси концентрацияси кўрсаткичи уч йилда ўртача 65-65-60% тартибда 59,4-66,4% ва гуллашгача 9,5-9,9, гуллаш ҳосил тўплашда 10-11,4, пишиш даврида эса 12,5-12,8, 70-70-60% тартибда 60,5-71,4% ва гуллашгача 8,5-8,8, гуллаш ҳосил тўплаш даврида 10,2-11, пишиш даврида 12,6-12,9 ҳамда 70-75-60% тартибда эса 59,8-76,4% ва гуллашгача 9-9,1, гуллаш ҳосил тўплашда 10,1-10,9, пишиш даврида эса 12-12,6 га тенг бўлди.

Тадқиқотларимиз 2009-2011 йиллар давомида ЧДНС га нисбатан тупроқ намлиги 65-65-60% тартибда 1-2-1, 1-3-1, 1-3-2 тизимларга кўра 4-6 марта суғорилди, суғориш меъёрлари 810-1130 м<sup>3</sup>/га, мавсумий сув сарфи 4450-5890 м<sup>3</sup>/га. га тенг бўлди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартибда 1-3-1, 1-4-1, 1-4-2 тизимларда 5-7 марта суғорилди, суғориш меъёрлари 680-940, мавсум сув сарфи 4730-5990 м<sup>3</sup>/га. дан иборат бўлган бўлса, 70-75-70% тартибда 1-4-1, 1-5-2 тизимида 6-8 марта суғорилди, суғориш меъёри 810-890, мавсумий сув сарфи эса 4950-6130 м<sup>3</sup>/га. ни ташкил қилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда ўрганилган ғўза навларининг бўйи бошқа суғориш тартибларига нисбатан биров юқори бўлганлиги ва биринчи терим салмоғи камайганлиги кузатилди.

С-6541 ғўза навининг ўсиши-ривожланиши, пахта ҳосилдорлигига суғориш ва озиқлантириш тартибларининг таъсири, (ўртача 2009-2011 йиллар)

№	Ғўза навлари	Тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, %	Маъданли ўғитлар меъёри, кг/га			Кучат қалинлиги, минг, донна/га	Мавсумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /га	Пахта ҳосилдорлиги, ц/га	1 ц пахта ҳосили учун сарфланган сув, м <sup>3</sup>
			N	P	K				
1	С-6524 (андоза)	70-70-60 ХШК	200	140	100	88,2	5380	30,6	175,8
2	С-6541	65-65-60 ХШК	160	112	80	89,7	5190	29,4	176,5
3		ХШК	190	133	95	91,5	5190	32,6	159,2
4		70-70-60 ХШК	160	112	80	90,1	5380	29,8	180,5
5		ХШК	190	133	95	91,5	5380	34,6	155,5
6		70-75-60 ХШК	160	112	80	93,8	5420	28,4	190,8
7		ХШК	190	133	95	93,3	5420	33,4	162,3

Ўсимлик бўйи С-6541 ғўза навида 85,8-98,4 см, қўсақлар сони 8,9-9,6 донага тенг бўлганлиги аниқланди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда суғорилганда 70-70-60, 65-65-60% да суғорилганга нисбатан ғўзанинг бўйи бир мунча юқори бўлганлиги кузатилди. Ғузанинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосил тўплаши, ҳосилдорлиги суғориш муддатлари, сони, тизими давомийлиги ва мавсумий суғориш меъёрлари билан белгиланади. Ғузанинг ривожланиш фазаларига қараб суғориш муддатларини тўғри белгилаш ва экинларни ўз вақтида суғориш, юқори ҳосил олишнинг энг муҳим гаровидир.

Суғориш олди тупроқ намлиги тартибини бир ма-

Урганилган ғўзани С-6541 навида тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартибда маъданли ўғитларни N-190, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-133, K<sub>2</sub>O-95 кг меъёри қўлланилганда ўртача уч йилда энг юқори пахта ҳосили гектаридан 34,6 ц. ни ташкил этди. Бунда андоза С-6524 навида нисбатан ўртача 4 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилди (2-жадвал).

Терим олди кучат қалинлиги гектарига 89,7-93,3 минг донани ташкил этди. 1 центнер пахта ҳосили олиш учун сарфланган сув сарфини энг мақбул кўрсаткичи С-6541 ғўза навида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартибда ва маъданли ўғитларни N-190, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-133, K<sub>2</sub>O-95 кг меъёрда қўлланилгани кузатилди. Бу 155,5 м<sup>3</sup>/га. ни ташкил этди.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг иқлимлаштирилган С-6541 навининг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан суғориш режими 70-70-60%, ғўза барги шираси концентрацияси 8,5-11,9 бўлганда 1-3(4)-1(2) тизимда 5-7 марта суғорилди, суғориш меъёри гектарига 680-990, мавсумий сув сарфи эса гектарига 4730-5990 м<sup>3</sup> дан иборат бўлди.

Н.РАЖАБОВ,

ЎзПТИ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси



ПАХТАЧИЛИК

**С.РАҲМОНКУЛОВ, Х.ЖАЛОЛОВ, Ҳ.МАРДОНОВ.** Ғўзанинг чигит туки турли рангда бўлган бошланғич ашё ва дурагайларида мой микдорининг ирсийланиши ..... 3

**Н.РАЖАБОВ.** С-6541 ғўза навини суғориш ва озиклантириш тартибларининг пахта ҳосилдорлигига таъсири ..... 4

**Б.КАМИЛОВ, Г.БЕЗБОРОДОВ, А.ШАМСИЕВ, М.ТОШМАТОВ.** Ғўзадан эртаги ва юқори ҳосил олиш омиллари ..... 6

**Р.НАЗАРОВ, И.БЎРИЕВ.** Ғўзанинг гуллаш динамикасига маъдан ўғитларнинг таъсири ..... 8

**Р.КИМ, А.АМАНТУРДИЕВ, М.МИРАХМЕДОВ.** Метод педигри в селекции хлопчатника ..... 9

**Д.АТАЖАНОВ, М.БАХШИ.** Изменчивость выхода и длины волокна у  $M_2$  средневолокнистого хлопчатника, полученного под воздействием гамма-облучения семян ..... 10

**Б.БЕГИМКУЛОВ, П.ИБРАГИМОВ.** Ғўзанинг жўгрофик узоқ  $F_3-F_5$  авлодларида морфоҳўжалик белгилари бўйича корреляцияси ..... 11

**А.АМАНТУРДИЕВ.** Взаимосвязь скороспелости хлопчатника с основными морфохозяйственными признаками у межлинейных гибридов  $F_2$  ..... 13

**Д.РАШИДОВА, В.ШПИЛЕВСКИЙ, С.РАШИДОВА, Б.ЭРГАШЕВ.** Экологически безопасная технология предпосевной подготовки семян методом капсулирования ..... 14

**Г.АХМЕДЖАНОВ, Д.АХМЕДЖОНОВ.** Влияние экрана из интерполимерных комплексов при поливах хлопчатника на равномерность увлажнения ..... 15

**М.МАХАМЕДОВ, В.АВТОНОМОВ, Н.ТИЛЛЯХОДЖАЕВА.** Перспективное средство защиты от вредителей ..... 17

**М.ТОЖИЕВ, К.ТАДЖИЕВ.** Тупроқ унумдорлигининг пахта ҳосилига таъсири ..... 18

**Ш.АХМУРЗАЕВ.** Ғўза ниҳолларининг униб чиқишига экиш муддатлари ва мультчалаш усулларининг таъсири ..... 19

**Р.СУЛАЙМАНОВ.** Турлича тизимлардаги алмашлаб экишнинг пахта ҳосилига таъсири ..... 20

**Ш.ШАРИПОВ, Ж.АХМЕДОВ, И.МАДРАХИМОВ.** Турли муддатларда сақланган коллекцион ғўза нав ва намуналари уруғларининг лаборатория шароитида униб чиқиш қуввати ва унвчанлиги ..... 21

РАДЛАЧИЛИК

**Р.ИШМУХАМЕДОВА.** «Чиллаки» буғдой навининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва озиклантириш меъёрларининг таъсири ..... 22

**К.БОЗОРОВ, К.МЎМИНОВ.** Ерга асосий ишлов бериш ва фосфорли ўғитларнинг кузги буғдой ривожланишига таъсири ..... 24

**А.МАНСУРОВ.** Такрорий экин турларини тупроқ агрофизик хоссалари говаклиги ва сув ўтказувчанлигига таъсири ..... 25

**Х.БОЗОРОВ, Б.ХОЛИҚОВ.** Кузги буғдойни суғоришнинг мақбул муддат ва меъёрлари ..... 27

**С.БАБАЖАНОВА.** Янги ва истиқболли буғдой навларининг ҳосилдорлиги ..... 29

**Г.ТАНГИРОВА, Н.СОДИҚОВА.** Экиш меъёри ва Нитрагин-137 штаммининг соя навлари ҳосилдорлигига таъсири ..... 30

**А.АБДУЛЛАЕВ, М.ЭРГАШЕВ, Р.ТИЛЛАЕВ, Л.МИРЗАЕВ.** Шоли етиштиришда НКФУ ўғитини қўллаш самарадорлиги ..... 31

**М.АМАНОВА.** Кунгабоқар уруғчилигининг муҳим жиҳатлари ..... 31

**Қ.ЖЎРАЕВ.** Кунжут ўсимлиги ривожланишига минерал, биоўғит ва Ер малҳамининг таъсири ..... 32

БОЁДОРЧИЛИК

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

**А.АРИПОВ.** Сифатли мева боғларини ташкил қилиш .. 34

**А.ХАНАЗАРОВ, Ю.АКБАРОВА.** Микробные сообщества почв в ризосфере различных древесных пород бассейна р. Акташ ..... 35

**О.ҲАСАНОВ, С.АСАТОВА, З.ҲАМРОЕВА.** Гумми 30 % препаратининг бодринг сабзавот экини ҳосилдорлиги ва ривожланишига таъсири ..... 37

**С.ДЎСМАНОВ, М.САГДАТОВА.** Кунгабоқарда оққанотга қарши паразит энкарзиянинг самараси ..... 38

**С.МИРЗАЕВА, С.АКБАРОВ, Н.ТЕШАБОВЕВ.** Анжир ўргимчакканасига қарши курашиш ..... 39

ЧОРВАЧИЛИК. ВЕТЕРИНАРИЯ

**Ф.ДЖАСИМОВ, Н.ШОЙМУРОДОВ, Ф.МАРАЖАПОВА, И.БЕРДИЕВ.** Влияние крепости конституции и зубной системы на продуктивность и плодовитость маток джайдара ..... 40

**О.ТЎРАЕВ.** Асалари мумкуясига қарши биологик кураш усуллари ..... 41